

**«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚК  
Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан  
2014 йил “09” октябрда  
«ТАСДИҚЛАНДИ»  
Кузатув кенгашининг раиси**

---

**«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» Акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма  
корхонанинг Тафтиш комиссияси тўғрисида»  
НИЗОМ  
(Қуйида – Корхона)**

- I. Умумий қоидалар.
- II. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми ва таркиби.
- III. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
- IV. Текширувлар (тафтишлар)ни ўтказиш тартиби.
- V. Тафтиш комиссиясининг мажлислари.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Корхона Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

1.2. Низом Тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, вазифалари, ваколатлари, унинг ишлаш тартиби ва Корхонанинг ўзга бошқарув органлари билан ўзаро алоқасини белгилайди.

## **II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ТАРКИБИ**

2.1. Тафтиш комиссияси Корхона, унинг бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналарининг фаолияти устидан ички молиявий-хўжалик назоратини амалга оширувчи Корхона органи ҳисобланади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, давлат бошқарув органларининг қонуности ҳужжатларига, Корхона Устави, мазкур Низом ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан Тафтиш комиссияси ва унинг аъзоларининг фаолиятига доир қабул қилинадиган Корхонанинг бошқа ҳужжатларига асосланади.

2.3. Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш жараёни Тафтиш комиссияси аъзолигига номзоднинг ҳар бири бўйича алоҳида амалга оширилади. Конкрет шахсни Тафтиш комиссиясининг таркибига киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг қарори билан қабул қилинади.

2.4. Тафтиш комиссияси камида учта (3) аъздан иборат бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясининг аъзоларини тайинлаш, чақириб олиш ва алмаштириш ҳуқуқига эга.

2.5. Корхонанинг овозга эга акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи

Корхона Акциядори (Акциядорлари) Корхона молиявий йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмасдан Корхона Тафтиш комиссиясига номзодларни Тафтиш комиссиясининг миқдорий таркибидан ошмайдиган миқдорда кўрсатишга ҳақли.

2.6. Акциядор ўзи тайинлаган Тафтиш комиссиясининг исталган аъзосини унинг ваколатлари муддати тугашидан олдин чақиртириб олиши мумкин, бунда шундай аъзо Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлишдан тўхтаydi. Агар Тафтиш комиссияси аъзолари орасида вакансия пайдо бўлса, Тафтиш комиссиясини тарк этаётган аъзони тайинлаган Акциядор унинг ворисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

2.7. Тафтиш комиссияси бир (1) йил муддатга тайинланади. Бир шахснинг ўзи Тафтиш комиссиясининг таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.8. Тафтиш комиссиясининг ҳеч бир аъзоси бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси, Бош директор ёки Бош директор ўринбосари бўлиши, шунингдек Корхонада меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

### **III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Тафтиш комиссияси ўз ташаббуси билан, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарори билан ёки Корхонанинг овозга эга акцияларининг жами камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра бир йиллик ёки бошқа давр учун Корхона фаолиятининг яқунлари бўйича Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади (тафтиш қилади).

3.2. Тафтиш комиссияси Корхона акцияларининг камида беш (5%) фоиз акцияларига эгалик қилувчи Акциядорларнинг ёзма талабномаси асосида ёки Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Кузатув кенгашининг қарори бўйича навбатдан ташқари текширувларни ўтказиши мумкин. Бош директор ва Корхона ходимлари Тафтиш комиссиясининг талаби бўйича барча зарур ахборотни ва ҳужжатларни зудлик билан тақдим этиши зарур.

3.3. Қуйидагилар Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Кузатув кенгаши ва акциядорларни ҳаққоний ахборот билан таъминлаш ва тафтиш натижаларига кўра корхона фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш;

- Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тафтиш жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияларни киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

3.4. Тафтиш комиссияси Чораклик ҳисоботлар, Йиллик бюджет ва Бизнес-режа (шу жумладан қайта кўриб чиқилган Йиллик бюджет ва Бизнес-режа) ва Бош директор томонидан тегишли тарзда Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш учун тайёрланган Йиллик якуний ҳисобот бўйича ҳулосаларни тайёрлайди.

3.5. Тафтиш комиссияси ўз назорати ва кўриб чиқиши натижасида Кузатув кенгашига Корхона учун мустақил аудиторларни тавсия этади; ушбу мустақил аудиторлар Корхонанинг йиллик балансини ҳамда фойда ва зарарлар ҳисобларини тафтиш қилади. Тафтиш қилинган Корхонанинг йиллик баланси ва фойда ва зарарлар ҳисоби Корхона Уставига мувофиқ тайёрланади.

3.6. Тафтиш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Корхона ҳужжатларини (буйруқлар, раҳбарнинг фармойишлари, бошқарув органларининг қарорлари, маълумотномалар, ҳисоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатлар), тафтиш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича Корхонанинг мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма изохларни олиш;

- тафтишни ўтказишда кўмаклашиши учун Корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

3.7. Тафтиш комиссияси Корхона манфаатларига таҳдид туғилган тақдирда ёки Корхонанинг мансабдор шахслари томонидан мансабни суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганида Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга.

3.8. Тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули ва компенсациялар миқдори ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланади.

3.9. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари:

- тафтиш ишларини амалга оширишда мазкур Низом ва ўзга қонунчилик ҳужжатларининг талабларига амал қилиш;

- тафтиш яқунлари бўйича ҳисоботлар ва хулосаларни тайёрлаш;

- молиявий ва статистик ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини текшириш;

- тафтиш жараёнида олинган маълумотларнинг махфийлигига амал қилиш;

- Корхонанинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан Корхонага зарар етказилгани ҳақида далолат берувчи фактлар аниқланган тақдирда, зудлик билан бу ҳақда Корхонанинг Кузатув кенгашига маълум қилиш ва тафтиш тўғрисидаги хулосани тегишли тарзда ёзиш.

3.10. Тафтиш комиссияси молиявий ва тегишли ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Корхона Уставида белгиланган қоидалари ва тартибига мувофиқ йиллик аудиторлик текшируви натижалари тўғрисидаги ҳисоботни Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан камида ўн (10) кун олдин Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этиши зарур. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясининг хулосаси бўлмасдан туриб Корхона баланси ва молиявий ҳисоботларини тасдиқламайди.

3.11. Тафтиш комиссияси Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича хулоса тайёрлайди, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- ҳисоботлардаги маълумотлар ва Корхонанинг бошқа молиявий ҳужжатлари ҳаққоний эканини баҳолаш;

- бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчилик бузилганлиги фактлари (агар шундай фактлар мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотлар.

#### **IV. ТЕКШИРУВЛАР (ТАФТИШЛАР)НИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ишлари жамиятнинг бир йил ичидаги фаолияти яқунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида, йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овозга эга акцияларининг эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси Акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли баённомасини олгандан кейин текширув (тафтиш) ишларини бошлайди.

4.3. Режадан ташқари текширув (тафтиш) тўғрисидаги қарор мажлисда қатнашаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, сиртдан овоз бериш (сўровнома йўли билан) ҳолатида эса Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарор Тафтиш комиссияси раисининг номига юборилади ва қарорни қабул қилиш учун овоз берган Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.4. Қоидабузарлик ҳолатлари аниқланганида Тафтиш комиссиясининг аъзоси Тафтиш комиссиясининг қарорини талаб этувчи аниқланган қоидабузарликларнинг ёзма тавсифини Тафтиш комиссиясининг раисига юборади.

Талабнома олинганидан кейин 3 иш куни давомида Тафтиш комиссиясининг раиси Тафтиш комиссиясининг мажлисини чақиришга мажбур.

Тафтиш комиссияси томонидан текширув (тафтиш) ўқазилиши тўғрисида қарор қабул қилинганда Тафтиш комиссиясининг раиси текширув (тафтиш) ўтказилишини ташкил этишга ва уни ўтказишни бошлашга мажбур.

4.5. Жамият акциядорлари томонидан режадан ташқари текширув (тафтиш)ни ўтказиш тўғрисидаги талабнинг илгари сурилиши:

4.5.1. Текширув (тафтиш) ташаббусчилари бўлган акциядорлар Тафтиш комиссиясига ёзма талабномани юборади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- акциядорларнинг Ф.И.Ш. (номланиши);
- уларга тугишли бўлган акциялар ҳақида маълумотлар (акциялар сони, тоифаси, тури);
- мазкур талабноманинг сабаблар билан асосланиши.

Талабнома акциядор ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланади. Агар талабнома ишончли вакил томонидан имзоланса, унда ишончнома ҳам илова қилинади.

Агар ташаббус юридик шахс бўлган акциядорлардан чиқаётган бўлса, унда унинг уставига мувофиқ ишончномасиз ҳаракат қилаётган юридик шахс вакилининг имзоси ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахс номидан ҳаракат қилаётган юридик шахснинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унда талабномага ишончнома илова қилинади.

4.5.2. Текширув (тафтиш) ўтказишни талаб қилаётган ташаббусчиларнинг талабномаси буюртма хат кўринишида жамият манзилига Тафтиш комиссияси раисининг номига топширилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан юборилади ёки жамият девонхонасига топширилади.

Талабномани тақдим этиш санаси у топширилгани ҳақидаги хабарнома санаси ёки жамият девонхонасига топширилиш санаси бўйича аниқланади.

4.5.3. Талабнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 иш куни ичида Тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиши ёки тафтиш ўтказишни сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиши керак.

4.5.4. Тафтиш комиссияси томонидан қуйидаги ҳолатларда текширув (тафтиш) рад этилади:

- агар талабномани тақдим этган акциядорлар талабнома тақдим этилган санага умумий йиғилиш ваколатига кирувчи барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқини берувчи зарур микдордаги овозга эга акцияларнинг эгаси ҳисобланмаса;

- агар акциядорлар реестрида рўйхатга олинмаган ёки тегишли акциядорларнинг вакиллик ваколатларига эга бўлмаган шахслар талабномани тақдим этиш ташаббусчилари бўлса;

- талабномада текширув (тафтиш) ўтказилишининг сабаби кўрсатилмаган бўлса;

- текширув (тафтиш) ўтказилишига сабаб қилиб кўрсатилаётган фактлар бўйича текширув (тафтиш) ўтказилган ва Тафтиш комиссияси томонидан хулоса тасдиқланган бўлса;

- талабномадаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

- талабнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ёки жамият уставига мувофиқ келмаса.

4.6. Текширувлар (тафтишлар) ўтказилганида Тафтиш комиссиясининг аъзолари барча мавжуд ва олинган ҳужжатларни ҳамда текширув предмети тааллуқли бўлган материалларни ўрганиши шарт.

4.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулоса тайёрлайди, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- ҳисоботлардаги ва жамиятнинг бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш;

- бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиби бузилгани, шунингдек молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчилик бузилгани факти ҳақидаги маълумотлар.

Ушбу хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тингланади.

4.8. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ташаббусчилари исталган пайтда, Тафтиш комиссияси томонидан текширув (тафтиш) ўтказилиши тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар, Тафтиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, ўз талабномасини чақиртириб олишга ҳақли.

4.9. Тафтиш комиссияси ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига аффилирланган шахслар билан битимлар ёки жамиятда йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида, шунингдек шундай битимларни амалга оширишга доир қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига амал қилиниши ҳақидаги хулосани олиб чиқади.

## **V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ**

5.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз мажлисларида ҳал қилади. Тафтиш комиссиясининг мажлислари заруратга қараб ҳамда тафтиш натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг аъзоси Тафтиш комиссиясининг шошилич қарорини талаб этувчи қонунбузарликлар аниқланган тақдирда комиссиянинг шошилич мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин.

5.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси, агар унда аъзоларининг 100% қатнашаётган бўлса, қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади.

5.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг ҳужжатлари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади.

5.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари комиссия қарорига қўшилмаган тақдирда мажлис баённомасида ўзининг алоҳида фикрини қайд этишга ва уни раҳбарият, Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақли.

5.5. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди.

Тафтиш комиссиясининг раиси: мажлисларни чақиради ва ўтказди; Тафтиш комиссиясининг жорий фаолиятини ташкиллаштиради; уни раҳбарият, Кузатув кенгаши мажлисларида, акциядорларнинг умумий йиғилишида тақдим этади; ўз номидан чиқувчи ҳужжатларни имзолайди.

Тафтиш комиссиясининг котиби: мажлис баённомалари юритилишини ташкиллаштиради; адресатларга Тафтиш комиссиясининг ҳужжатлари ва хулосаларини етказди; ўзининг номидан чиқувчи ҳужжатларни имзолайди.